



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
29 август
ЧОРШАНБА
№ 70
(11.977)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Замондош суратиға чизгилар

ҚАҲРАМОН БИЛАН БИР СОАТ

Шанба куні эмасми, одатда асаларининг уясидек гувиллаб турадиган «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг кўпқаватли маъмурий биноси хувиллаб ётибди.

— Бугун ҳамма дам олишда, — деди қоровулбоши эринибгина. — Идорада ҳеч ким йўқ.
— Навбатчимиз, диспетчерми бордир, ахир?
— Диспетчер қабул қилмас экан. Олдиндан кўнғироқ бўлмаган, учрашув хусусида келишилмаган, — даяпти.

Хайриятки, бахтимизга бош директорининг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Салом Темиров ўз хонасида экан. Саломлашдик:

— Табриклаймиз. Яна бир экскаваторчингиз Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди.

— Очиғи, бу хабарни ҳали расман олганимиз йўқ. Лекин эшитиш ёқимли. Ҳўш, мендан нима хизмат?

— Экскаваторчи Сайдали Фармонович билан учрашасан, икки оғизгина гаплашасан, олам — гулистон.

Темиров телефон дастагини қўлига олди:

— Олег Амирович, салом, бир дақиқага келсангиз, яхши гап чиқиб қолди.

Олег Амирович деганлари кон очик карьерининг бош муҳандиси экан. Темиров бизни таништириб, мақсадини тушунтирмоқчи эди, гапни лўнда қилди:

— Хотиржам бўлинг, Салом Ҳақбердиевич, ҳаммаёни яхши бўлади. Раҳмоновни оғохлантириб қўйдим. Ҳозир меҳмон билан уйига борамиз. Сайдали кўтиб турибди. Ахир, бундайн хал-

барларни ҳар куні эшитавермаймиз-ку!

Эскигина «Москвич» темирйўл кўприги тагидан ўтиб, тор кўчага бурилди. Бироз ичкари кириб борилгач, Олег Амировичнинг ишораси билан очик дарвозалардан бирининг олдида тўхтади.

Машинадан тушаётиб, беихтиёр ичкарига кўз ташладик. Ховлининг бир четида белигача яланғоч бир одам энгашиб турибди, бир бола елкасида сув қуяпти. Тараддуланиб турган эдик, ичкаридан ўша киши чиқиб келди. Сочикнинг бир учи елкасида, бетқўлини артатуриб, салом берди.

Сайдалининг шу топдаги сурати хотирамга муҳрланиб қолди. Бўйдор, елкадор йигит. Қорамағиз, қулча юзида ёқимли бир жилмайиш. Қадамлари дадил, енгил.

— Халигина сменадан келиб, бироз мизғиб қолибман, — деди Сайдали. — Қани, марҳамат, ичкарига кираверинглар.

Кенггина бир хонага кирдик. Ўтириб, хонадон соҳибларига мана шу кунгидек қувончли онлар кўп бўлишини тиладик. Сўхбатимиз бошланиб кетди. Сайдали очилиб-ёзилиб гапирарди. Ярим соатча сўхбатлашилгач, Олег Амирович қулиб деди:

— Киридингиз, гапга тушиб кетдик, ҳозир чой ҳам кел-

лади.

Сайдали оғох тортди, тараддулланди. Чаққон тураётиб:

— Ҳой, ким бор? — деб қўйди. — Чой-пой бермайсанларми?

Шу пайт хонага чойнак кўтарган бир қизча кириб келди.

— Кенжамиз Назира, — деб қўйди хонтахта устига ёзилган дастурхонни тўғрилаётиб Сайдали. — Еттинчи синфда ўқийди. Опаси Нодирамиз коллежнинг охириги курсига ўтди. Акалари Сарвар коллежни битирди. Ундан каттаимиз — Санжар Марказий ремонт-механика заводимизда қолипловчи. Иш бошлаганига уч йилча бўлиб қолди. Тўнғичимиз Комил шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида нозир. Оналари бир умр нон заводиди ишлади. Ҳозир пенсияда.

Шундай деди-да, Сайдали яна эшикка қараб қўйди: — Ҳа, хотинсиз уй — ўтинсиз ошхонадек гап. Хотин уйда бўлса, ҳамма нараса бисёр бўларди. Афсус, лозиммандага кетган эди.

Таг-туғимиз шу Олмаликдан, — деди Сайдали. — Отам бир умр шиоҳонада боғбон бўлиб ўтдилар. Онам Ранябону шаҳар коммунал-хўжалик бўлимида фаррош бўлиб ишлаганлар...

Сайдали бир фурсат хаёл суриб қолди. Шу аснода унинг кўнглидан нима хаёллар ўтаётганини сезиб, мен ҳам, Олег Амирович ҳам жимгина ўтириб қолдик. Охири Сайдали ўрнидан туриб, ховлига чиқди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Сайдали Раҳмонов.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватанининг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Иномов Собиржон — "Покент ҳаёти" газетаси бўлим муҳаррири

«Шўхрат» медали билан

Гуральский Михаил Абрамович — "Ташкентская правда" газетаси масъул котиби

Муслимова Вазира Муқимовна — Тошкент тумани Навой қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Наумченко Татьяна Петровна — Оҳангарон тумани "Муруват уйи" ҳамшираси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармониға мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватанининг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«Жасорат» медали билан

Иномжонзода Бекзодхон Иномжоний — Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

Тўхтаев Раув Аҳмадович — Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш қисми ходими

«Содик хизматлари учун» медали билан

Тўхтаев Озодбек Сапарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танки қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг взвод му-тахассиси

«Шўхрат» медали билан

Салихова Феруза Ҳаётуллоевна — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасининг "Ғишткўприк" божхона комплекси катта инспектори

Юлдашев Абдуллаазиз Валентинович — Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг раиси

МУНОСАБАТ ЎЗГАЧА

Оҳангарон шаҳри «Янгилик» маҳалласида табиатга, атроф-муҳитга муносабат ўзгача. Худудда кўплаб ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

Бу борада табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси, «Аждодлар ёди» музейи ҳамда «Ривож-имконият» уй-жой мулкдорлари ширкати билан ҳамкорлик қилинмоқда. Айниқса, табиатни асраб-авайлаш-

га болалар ва ўсмирларни ҳам кенг жалб қилинаётганлиги эътиборлидир. Улар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида катталарга яқин кўмаки бўлишяпти.

Ҳуррият МҲМИНОВА.

ГИЁҲЛАРДАН ЭКСТРАКТ

Паркент туманида «Доривор ўсимликлар» масъулияти чекланган жамияти ташкил топганиға ҳали кўп бўлгани йўқ.

«Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик концерни таркибидеги бу жамият маҳаллий хом ашё захираларини бойитиш, улардан турли дорилар тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Жамият ўзининг тажриба-на-

муна хўжалиғига ҳам эға. Унда мойчечак, яллиз, наматак сингари шиофобахш ўсимликлар кўплаб етиштирилмоқда. Улардан экстрактлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйлаётир.

Ақбар АЛИЕВ.

Tagbir

ЁШ ФЕРМЕРЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида Занғиота тумани Бўзсув қишлоғида «Ёш фермерлар ва тадбиркорларни ўқитиш маркази» ташкил этилди.

Бу хайрли ишга, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши 16 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этди.

Шунингдек, «ЎзГазОил» шўъба корхонаси ҳам 28 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

— Эндиликда туман фермерлари, — дейди «Агро Азия мир» фермер хўжаликлари уюмчаси расиси Шавкат Нурматов, — ўқув марказида богдорчилик, узумчилик, мева-сабзавот, ғаллачилик, чорвачилик ва паррандачилик тармоқлари бўйича назарий ва амалий билимларга эға бўладилар. Шунингдек, улар учун интернет ва ахборот технологиялари йўналиши бўйича бевосита жаҳон қишлоқ хўжалик соҳасида тўпланган тажриба ва ютуқлар билан танишиш имконияти ҳам яратилди.

Шу куні ёш фермерлардан 30 нафари учун соға мутахассислари иш-тироқида дастлабки ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Саид ҲАСАНОВ.

ШИЙПОНДАГИ ЛАТИФ УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги олдиндан уюштирилаётган маданий-маърифий тадбирлар ғоят кизгин ва самимий руҳда ўтмоқда.

Ортимиз зиялилари, адабиёт ва санъат намоёндаларининг марказлардан тортиб, чекка қишлоқлардаги оддий меҳнаткашлар ҳузурида уюштирилаётган латиф учрашувларда иштирок этишаётгани барчага чинакам байрамона кайфият улашаётир.

Шундай файзли кечаларнинг наватдагиси Уртачирчиқ туманидаги Охунбобоев ноили қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда бўлиб ўтди. «Меҳнат нур-агро» фермер хўжалигининг кўм-қўқ даладарига туташ шийпонга ҳудудда меҳнат қилаётган заминдорлар, сувчи ва механизаторлар, таъбир жоиз бўлса, элимиға ризқ-насиба улашаётган деҳқон соҳибкорлар жамулам бўлишди.

— Худудимизда 32 та фермер хўжалиғи иш юритапти, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини расиси Одиқўжа Тўхтажоев. — Айтимиз жоизки, улар шу фарахбахш кунларда катта масъулиятли доvon қаршиида турибдилар. Жами 1020 гек-

«ГҮЗАЛ»ДА МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Ангренадаги «Гўзал» маҳалласида Мустақиллик байрами олдиндан амалга оширилаётган ободончилик ишларини ўзига хос меҳнат байрамиға қиёлаш мумкин.

— Маҳалламиз ҳудудда 68 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда жами 400 га яқин оила истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини расиси Мақбуба Бейжоновна. —

Худудларни тозалаш, дарактларни оқлаш, шакл бериш каби ишларда ҳар бир оила аъзосининг улуши бор. Шунингдек, кўп қаватли уйлари жорий таъмирлаш ва куз-қиш мавсумлариға тайёрлаш борасида «Ангрен-Поп» терминаллардан фойдаланиш дирекцияси томонидан қўламли ишлар бажарилади.

Мунира ИСАЕВА.

Анъанавий август анжумани

ТАЪЛИМ: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ РАВОН ЙЎЛИ

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги янгиланишлар, ҳусусан, таълим тизимидаги изчил ислохотлар жараёни тобора чуқурлашиб бораёпти. Уни ривожланган демократик давлатлар эришган даражаға кўтаришға қаратилган вазибаларни амалга ошириш сари дадил қадамлар ташланмоқда. Айтайлик, бугун вилоятнинг қайси шаҳар-қишлоқлариға борманг, фарзандларимиз қамоли учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлигининг ғувоҳи бўласиз. Янги қиёфа касб этаётган умумтаълим мактаблари қишлоқларимиз кўрқиға кўрк қўшиб бораёпти.

Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармасининг анъанавий август анжумани янги ўқув йили олдиндан Юқоричирчиқ туманидаги 17-умумтаълим мактабининг тантанали очилиш маросими билан бошланди.

Маросимда вилоят ҳокими вазирасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов иштирок этди. Ўқув масканида яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Кейинги йилларда вилоятимиз таълим соҳасида аниқ мақсадли ислохотлар амалга оширилаётганлиги хусусида сўз юритди.

Мазкур таълим маскани 460 ўринга мўлжалланган бўлиб, мактаб таълимини ривожланти-

риш умуммиллий дастурға мувофиқ капитал реконструкция қилишға

387 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Анжуманда таъкидланганидек, кейинги йилларда ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ға асосан, умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, замонавий талабларға жавоб берадиган ўқув-моддий базаси ва давлат таълим стандартларини шакллантириш,

ўқитувчи касбининг обрў-эътиборини ошириш масалаларида қатор ижобий натижаларға эришилмоқда.

Таълим соҳасида узлуksизлик ва узвийликни таъминлаш мақсадида Қуйичирчиқ, Тошкент, Оҳангарон, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳрида «Боғча-мактаб» мажмуалари фаолият кўрсатмоқда. Барча боғчаларда тарбияланувчиларни мактабға тайёрлашға қаратилган «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Маълумотномадан: бугунги кунда вилоятда 534 та мактабға таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, уларда 55 минг 378 нафар, шу жумладан, таъкилотларға қарашли 33 та мактабға таълим масканларида 6022 нафар бола таълим-тарбия олмақда. Бу вилоятдаги 1,5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг 25,5 фоизи қараб олинганлигини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).



АнъанаВий август анжумани

Бошқарма томонидан мактабга таълим соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш, услубий хизматни яхшилаш, педагог ходимлар масъулиятини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Чирчиқдаги 8-боғчанинг фаолияти республика миқёсида оммалаштирилиб, «Доимий ҳаракатдаги малака ошириш маркази» мақоми берилди.

Мактабга таълим муассасалари моддий базасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётган. Вилоятдаги 12 та болалар боғчасида 267,4 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Уларга 75 миллион сўмлик мебель хизматлари келтирилди.

2006-2007 ўқув йилида вилоятдаги 890 та умумтаълим мактабида 484 минг 58 нафар ўқувчи тахсил олди. Таълим жараёнини ташкил этиш, ўқувчилар билиминини чуқурлаштиришнинг асосий омилли таълим масканларини етарли малакага эга, ўз устида мунтазам ишловчи, соҳанинг фидойиси ва энг асосийси, ўзига, жамоадoshларига ҳамда ўқувчиларга талабчан бўлган педагог кадрлар билан таъминлашдан иборатдир.

Маълумотномадан: 2006-2007 ўқув йилида вилоят умумтаълим мактабларида 33 минг 77 нафар педагог ходим фаолият кўрсатди. Уларнинг 22 минг 148 нафари олий, 1834 нафари тугалланмаган олий, 9 минг 95 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Мактаблари педагог ходимлар билан таъминлаш 98,6 фоизни ташкил этди.

Кейинги йилларда таълим муассасаларига ёш педагог кадрларни жалб қилиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республика миқёсининг турли педагогик ўқув юртидан 744 нафар ёш битирувчи ишга қабул қилинди. Шу йилнинг 6 ойи давомида 4581 нафар педагог ходимнинг малакаси оширилди.

Умумтаълим мактабларини замонавий компьютерлар билан таъминлашда муайян ютуқларга эришилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

моқда. Бу кўрсаткич кейинги уч йилда 12 фоиздан 28,3 фоизга етди.

Таълим тизимидagi педагог ходимлар ҳамда умумтаълим мактаблари ўртасидаги турли танловларда вилоятимиз вакиллари республика босқичларида ўзларини намойён этмоқдалар. Хусусан, «Йилнинг энг яхши мактаби – 2006» танловида Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби жамоаси республикадаги энг яхши мактаб, деб топилди.

Таълим соҳасида яна бир янгилик қўлланила бошланди. Яъни, фан ойлари

ТАЪЛИМ:

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ РАВОН ЙЎЛИ

ўтказиш тadbирлари белгиланди. Ойлиқлар давомида мактабларда фан бурчаклари ташкил этилди. 2300 дан ортиқ ноанъанавий, 1830 га яқин намунали дарслар ўтказилди. Уларда ўқувчилар билиминини амалга ошириш мақсадида фан ойлари



лари бошида ва охирида тест синовлари олинмоқда. Натижада, биргина физика фанидан 6-9-синф ўқувчиларининг билими 72,6 дан 74,3 га, 10-11-синфларда эса, ўртача 1,6 фоизга ўсди.

Ўқувчиларни синфдан ва мактабдан ташқари бўш

вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун тўғрақлар фаолиятини яхшилаш, уларга ўқувчи ёшлар қамровини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Вилоятда 73 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатаётган. Улардан 12 таси болалар техника ихтидоёт маркази, 24 таси болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидир. Уларнинг машғулотларига 53 минг 947 ўқувчи

қамраб олинган.

Вилоят анъанавий август анжуманида Янгийўл, Ангрен, шаҳарлари, Покент, Зангиота, Окўғор туманлари ўқувчилари гуруҳларининг «Таълим жараёнида электрон дарсликлардан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари», «Замонавий дарсга қўйилган услубий талаблар» ҳамда «Таълим муассасаларида иқтисодий таълим ҳамда молиявий билим самардорлигини ошириш», «2007-2008 ўқув йилида педагогик ходимлар салоҳиятини ошириш омиллари» мавзуларида кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Анжуманда халқ таълими муассасаларида илғор педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этишда ташаббус кўрсатган бир қатор фидойи ходимлар «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоси» унвони ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Фахрий ёрлик»лари билан мукофотландилар.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Суратлар муаллифи
Еркебой БОТИРОВ.

ҚАРОВСИЗ БИНО ЭНДИ ГАВЖУМ

Мустақилликнинг 16 йиллиги арафасида Ангренда «DISHAD PROMTEKS – KVA» номи билан янги хизмат мажмуи фаолият бошлади ва 10 дан ортиқ аҳоли иш билан таъминланди.

Муқаддам шаҳардаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш биноларини тасаруфидан бўлган ва сўнгги йилларда қаровсиз қолган келиб қолган ишчилар ётоқхонаси шаҳар ҳокимининг қарори билан тadbиркор Ваҳобжон Қодировнинг ихтиёрига берилган, бу ерда аҳоли учун энг қулай хизмат кўрсатиш турлари йўлга қўйилди.

– Уч қаватдан иборат бинони реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишларига жами 84 миллион сўм ажратилди, – дейди В. Қодиров, – Сарфланган бу маблагнинг 52 миллиони ҳам-

кор ташкилот – Тошкентдаги «Улғуржисавдо» шўъба корхонаси ҳисобига тўғри келганлигини ҳам айтиш жоиз.

Хозирги кунда бу ерда хориж технологияси ёрдамида кийим-кечаларни кимийвий усулда тозалаш, бичиштириш цехлари ишлаб турибди. Бундан ташқари корхона қошида «Дилдора» ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Марказга аъзо ёшлар бу ерда ўзларини қизқирган тикувчилик, саргарошлик, пойабзал таъмирлаш каби касблар бўйича билим олишмоқда.

– Келажакда корхонамиз



янги цехлар ва хизмат кўрсатиш турлари ҳисобига янада кенгайди, – дейди тadbиркор. – Шу асосда қўшимча 12 та янги иш ўринлари барпо этилади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

СУРАТДА:
янги корхонанинг кийим тозалаш цехида.

Муаллиф олган сурат.

ЎЗБЕК ПАХТА ЯРМАРКАСИ ЯНА ТОШКЕНТДА

Кўпдан буён қарор топган яхши анъанани давом эттириш ҳамда ўтган йиллар тажрибасини эътиборга олган ҳолда 2007 йил 10-12 сентябрь кунлари Тошкентда навбатдаги учинчи Халқаро ўзбек пахта ярмаркасини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ярмарка давомида унинг иштирокчилари ўзбек пахтасини етказиб бериш тўғрисида битимлар тузиш, пахта савдоси бўйича ўзқ мўддатли ҳамкорлиқни ривожлантириш, шунингдек, унинг сифат кўрсаткичлари ва етиштириш ҳамда сотиш юзасидан қиритилган сўнгги янгиликлар билан танишиш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари ярмаркани ўтказиш жараёнида ўзбек пахтасини экспорт қилувчилар ва истеъмолчилар ўртасида давра суҳбатлари, икки томонлама музокаралар ташкил этилади. Ярмарка меҳмонлари пахта сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси товар-хона ашё биржасининг савдо сессияси ишида қатнашиш имконига эга бўладилар.

Шу билан бир вақтда, маълумки, жаҳон пахта индустриясида бошқа анъана, яъни ҳар икки йилда бир марта Тошкентда Халқаро пахта ва тўқимачилик маҳсулотлари мавзуларида конференция ўтказиш анъанаси қарор топган. Жумладан, 2000, 2002 ва 2005 йилларидаги конференциялар муваффақиятли ўтган эди.

Ҳар йили Халқаро ўзбек пахта ярмаракси ўтказилишини ҳамда

халқаро пахта индустрияси иштирокчиларининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда туртинчи Халқаро пахта ва тўқимачилик маҳсулотлари мавзуларидаги конференцияни Халқаро ўзбек пахта ярмаркаси билан бирга ўтказишга қарор қилинди.

Конференция доирасида жаҳон пахта бозорини ривожлантиришнинг муаммо ва истикболларини муҳокама қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, етакчи халқаро экспертларнинг жаҳон пахтачилик ва тўқимачилик индустриясининг турли мавзулари бўйича қуйидаги масалаларга оид чиқишлари кўзда тутилмоқда:

– жаҳон пахта бозори: талаб ва тақлиф, нарх ва таъсир омиллари; – Ўзбекистонда пахта етиштириш ва маркетингининг аҳоли ҳамда истикболлари; – рақобатбардор пахта толаси ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари; – жаҳон пахта қозоллари бозори: бугун ва келажак; – инвестициявий муҳит ва Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатини ривожлантиришда хорижий инвесторларнинг иштироки ва бошқалар.

Зангиота туманидаги «Илм шўъласи» масъулияти чекланган жамияти мактаб бозорларини ташкил этиб, пойтахт ва республика миқёсидаги қатор вилоятларда ҳам ўқув куролларини сотаёттир.

ЎҚУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Колаверса, «Илм шўъласи»нинг 160 та савдо дўкони бўлиб, хозир бозорларда «Шарқ зиёкори», «Офис Маркет», «Артофлекс» ҳамда «Семейка» каби 16 та мат-

баа корхонасининг шу турдаги маҳсулотлари савдоси ташкил этилган. Улардан 7 тасида ўқув адабиётлари, қўлланалари сотилмоқда.

Мурод ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА:

янги ўқув йили олдида ташкил этилган мактаб бозорларида савдо қизғин.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Замондош суратида чизгилар

ҚАҲРАМОН БИЛАН БИР СОАТ

– Кўнгли бузилиб кетди, – деди Олег Амирович. – Отасини кўрмаганман-у, онаси ажойиб инсон эди раҳматли. Ақаси Турдиали автокорхонада шофёр. Бир ўқаси бор, исми Сафарали. Автойўл ишчиси. Ҳаммалари меҳнатдан қадр топган одамлар. Мана шу Сайдали-лимиз ҳам фақат мактабу экскаваторни кўрган. Шаҳримизда 126-хўнар-техника билим юрти бўларди. Шунда ўқиб, экскаватор машинисти касбини эгалладим. 1979 йили Қалмоққир конининг Шарқий қарёрига экскаваторчиға ёрдамчи бўлиб келганича, мана йигирма саккиз йилдан буён шу қонда ишлайди. Орада икки йилгина ҳарбий хизматда бўлганини айтмасак, бир умр экскаваторда, азамат.

– Мени қон одам қилди, – деди Сайдали тақсимчаларда узум билан тарвуз кўтариб қираётди. – Мана шу Олег Амирович, Юрий Васильевич Островский, Валерий Ильич Приходко, Раҳматулла Махаммадиев... Ҳақиқий устозларим шулар.

Кишининг бу дунёда ўзини таниши, ҳаётда ўзини топиб кетиши осон эмас. Шунинг билан, бутун умри Сайдалининг кўз ўнгидан бир-бир ўтаверади. У мактабни битириб, ҳаётга иштиёқ кўзи билан назар ташлай бошлаган кезлари Қалмоққир қони, у ерда меҳнат қилаётган кишиларнинг доғруғи бутун Ўзбекистонга ёйилган эди. Экскаваторчи бўлиш, экскаваторда ишлаш истаги қучли эди. Ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, экскаваторни бошқара бошлаганига йигирма беш йил бўлди. Бу – айтишга осон. Бунга фақат иродали, касбини чинакамга ардоқловчи одамларгина бардош бера олади.

Тавсифномадан: «Қалмоққир қонида чорак аср ишлаганидан кейин ҳам экскаваторни тобора мукамал эгаллаб олиш иштиёқи сусайгани йўқ. Юксак интизомлилик, тоқирлик ва янгиликка интилиш, асл меҳнатсеварлик Сайдали Раҳмоновни Қалмоққир конининг етакчи мутахассисларидан бири даражасига кўтарди».

Табиийки, узлуқсиз унумли меҳнат унга бахт келтирди. Оилали бўлди, уй-жой қилди. Дилрабо билан турмуш қуриб, ўз ўғил, икки қизни катта қилишяпти. Қали Сайдали ота-онасини эслаб, кўнгли бузилиб ҳовлига чиқиб кетганида Олег Амирович бир гап айтиб қолди: – Темир билан ишлаш кишини пўлатдек чиниктириб юборади. Лекин жисми, иродаси мустақамланиб бортани сари дийдаси юмшаб, кўнгли торларни майинлашиб бораверади. Бунинг умри металл, руда орасида ўтаётган одамлар, айниқса, теран ҳис қилишади.

Сайдали ҳам бир умр

(Давоми. Боши 1-бетда).

экскаваторда қон қазиб, руда ортиб, пўлатдек чинилар кетди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. 2001 йили самарали меҳнати, Қалмоққир қонини қайтадан «жонлантириш»га қўшган ҳиссаси учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Сўнгги беш йил Сайдали Раҳмоновнинг ҳаётида алоҳида саҳифа очди. 2002 йил қон шимолий қарёрида ЭКГ-15 экскаваторини ишга туширишга қарор қилинди. Бу жараёнинг охиригача Сайдали иш бошида мўқим турди.

лақларини, электр-пайвандлаш йўли билан қайта тиклаш усули яратилишига олиб келди.

Тавсифномадан: «У бригада аъзоларини шундай жиғлаштира оладики, улар бирга фикрлаб, аҳилликда меҳнат қилишади. Иш пайтида экскаваторнинг ҳолатини чуқур идрок этишади. У рудани юклаш жараёнида вақтни тежайди, экскаваторни билимдонлик билан бошқаради, иш пайтида тасодифий ҳолларга йўл қўймайди. Буларнинг ҳаммаси рудани вагонларга юклаб, мисни бойитиш фаб-

жайди».

– Билсангиз, бу осонмас, – изох беради бош муҳандис. – Раҳмонов бу гигант экскаваторни бошқараётганида унинг барча узеллари ва бўғинларининг ҳаракат ҳолатини идрок қилиб туради. Ҳамиша бирор янгиликни ўйлаб, фикрида пиштириб юради. У, масалан, камёб подшипникларни таъмирлаб, қайтадан фойдаланишни таклиф қилди.

Раҳмоновга хос тежамкорликни аниқ тасаввур этиш учун яна рақамларга мурожаат қиламиз. ЭКГ-15 экскаватори ишга туширилгандан буён ўтган беш йил мобайнида унинг биригадаси жами 38,4 миллион сўмлик 28 та тишини, 13 миллион сўмлик 520 метр узунликдаги пўлат «арқон»ни, 12,2 миллион сўмлик 43 тонна мойлаш материалларини, 5,8 миллион сўмлик 130 КВТ-сорт электр қувватини тежади.

– Қарабсизки, кечаги бўш-баёв йигит, мана энди устоз қолибман, – дейди Сайдали. – Шу йиллар ичиде бешта шоғирдим экскаваторларни мустақил бошқаришга ўтиб кетишди.

Янги йиғаетганида Шавкат Юсуфалиев ёрдамчи эди. Бироз ўтган, Баҳром Турсуналиев, Алишер Бердиев сингари у ҳам мустақил ишлай бошлади. Кейин Бахтиёр Отакуловни шоғирдикка олди.

Хонага ўрта бўйли бир йигит кириб келди.

– Қўшни турамиз, – деди Сайдали йигитни таништириб. – Менглибой Анорбоев 80-йиллари қонимизда экскаваторчи эди. Кейинчалик ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ишга сафарбар қилинганда. Мана энди у хизматдан пенсияга чиқиб, яна Қалмоққирга келди.

– Қоннинг нони тотли экан, ака, – деди Анорбоев. – Мана яна қадрланган экскаваторимга қайтдим. Сайдали ёрдам бериб, яна ишга киришиб кетдим. Шу пайт хона эшиги очилиб, хушрўйгина аёл кирди.

– Э, ана, хонадон соҳибаси ҳам келди, – деди болаларча қувонч билан Сайдали. – Энди, ҳамма нараса бисёр бўлади.

Дарҳақиқат, чорак соат вақт ўтмай, лағзанда қовурдоқ қиритилди. Ташқарига чиқиб кетган Сайдали қўлида шиша кўтариб кирди:

– Яқинда қўшни Қирғизистонда. Иссиққўлда дам олиб қайтдим, – деди. – Ўша томонлардан олиб келгандим, шундай қунага насиб қилди.

Олег Амирович қадаҳларни тўлдирди. Ҳаммамиз Сайдали Раҳмоновни олий унвон билан яна бир бор қутладик, хонадонига фароғат, фарзандларига қамолот тиладик.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Суратлар муаллифи

Даврон АХМАД.

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНГАН ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Мудо-фаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда Истиқлолнинг 16 йиллигига бағишлаб «Энг улуг, энг азиз» деб номланган биринчи умумармия фото қўғазма-танлов ташкил қилинди. Шу муносабат билан Марказий офицерлар саройида ташкил этилган қўғазманинг очилишида ҳарбийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Илк маротаба ўтказилаётган ушбу қўғазма-танловда мамлакатимиздаги барча ҳарбий округлардан юздан зиёд иштирокчи ўз иходий ишлари билан қатнашмоқда. Улар орасида профессионал сураткашлар билан бир қаторда хаваскорлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Таъкидлаш керакики, тақдим этилган фотосуратларнинг аксариятида мустақиллик йилларида Қуролли Қучларимиз тизимида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар, ҳарбийларнинг турмуш тарзи, жанговар тайёргарлиги, турли жаҳалларда, жумладан, спортда эришаётган ютуқлар, улар учун яратилаётган шарт-шароит ва иштиёзларга оид мавзулар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Танлов голиблари жорий йилнинг сентябрь ойида эълон қилинади.

Ў.А.

ЁШЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Келажак овози – 2007» республика ёш истеъоддорлар танловининг худудий саралаш турлари якунлари сарҳисоб қилинди. Тошкентдаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ушбу турлар натижалари эълон қилинди.

Марказ директори Б. Шариповнинг маълум қилишича, жорий йилда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, жумладан, энг чека туманларда, Тошкент шаҳрида ўтказилган саралаш турларида 30 минг нафардан ортиқ 15-25 ёшли иштирокчи йигит-қиз иштирок этди. «Келажак овози – 2007» танлови етти йўналиш – тасвирий ва амалий санъат, ахборот ва коммуникация технологиялари, рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа, меъморчилик ва дизайн, бадий ижодиёт ва публицистика, шунингдек, спорт бўйича ўтказилмоқда.

Саралаш турларида иштирок этган йигит-қизларнинг фақат энг истеъодли 500 нафари декабрда Тошкентда бўлиб ўтадиган республика турлига тақлиф этилади. Соғирини ўринлар сони ўтган йилга қараганда уч баравар – 120 тага қўпайтирилди. Анъаналар кўра, голибларни тақдирлаш маросимини Янги йил арафасида Халқаро дўстлиги саройида ўтказиладди. Унда маданият ва санъат арбоблари, ўзбек эстрада-сининг таниқли артистлари ҳам иштирок этади.

А. ИВАНОВА,
Ў.А. мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ

Янгийул тумани Гулбаҳор кўрғонида яшовчи аҳоли кўш шодиёнинг гувоҳи бўлди. Худуддаги ташлан-дик ўйингоҳ капитал таъмирдан чиқарилиб, маданият ва соғломлаштириш мажмуаси сифатида қайтадан фойдаланишга топширилди. Ўйингоҳнинг очилиш маросими кўни яна бир муҳим тадбир – «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваль ўтказилди.

Табиийки, бу тадбир, давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланди. Уни юқори савияда ташкил этишда вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси, «Экосан» халқаро ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда вилоят ёзувчилар уюмаси ўзаро ҳамкорлик қилди. Фестивалда тегишли ташкилот вакиллари, маҳалла фаоллари, меҳнат ва ўқув юртлари жамоалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Бундай экофестиваллар бу йилдан республикада биринчи бор ўтказила бошланди.

— Тадбирнинг дастлабкиси Ангрен шаҳрида ўтказилди, — дейди вило-

ят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Холтўра Сувонов. — Бундан қўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида она-табиатни асраш, халқ саломатлигини муҳофазаси қилиш, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш, экологик хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида қўлга киритилган ютуқларни халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилишдир. Шу мақсадда ташкил қилинган кўргазма вилоят миқёсида эришилган ютуқларни ўзига акс эттириб турипти.


Хисоб-китобларга қараганда, вилоятимиз аҳоли сон жиҳатидан республикада юқори ўринда туради. Шунга яраша йилдан-

йилга аҳолининг молиявий аҳоли тобора барқарорлашиб, макроектисодий кўрсаткичлар изчил ўсиб бормоқда. Йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш ишлари жадал суръатларда ривожланмоқда. Шу боис вилоят ҳудудида ҳар йили 30 миллион тонна саноат чиқиндилари ҳосил бўлади, уларнинг асосий қисми тоғ-кон, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатига тегишли. Чиқиндиларнинг 14 та полигони бўлиб, 3,5 минг гектар майдонни эгаллаган. У ерда 102 миллион тоннадан зиёд саноат чиқиндилари ва 929,5 миллион тонна иккиламчи ресурслар жойлаштирилган. Тадбирда таъкидланишича, вилоятда чиқиндиларни қайта ишлаб, халқ ҳўжалигига жалб қилиш ишлари кенг қўламда олиб борилапти. Ҳозир зарарсизлантирилган саноат чиқиндилари ҳажми йилига 170 минг тоннани ташкил этаётди.

Шунингдек, фестивалда

5 та номинация бўйича эълон қилинган кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. «Энг саховатли фермер» номига «Саховат – Диёр» фермер ҳўжалиги раҳбари муносиб деб топилди. «Камолот – Крафт» хусусий корхонаси жамоаси «Энг саховатли тадбиркор» йўналишида ғолиб бўлди. Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Убай Мусаев маҳалласи «Энг яхши маҳалла» дея эътироф этилди. 7 нафар ўғил-қизни қомил инсонлар қилиб вояга етказган Анвар Юсуфжонова оиласи энг намунали оила сифатида тақдирланди. Мақбала таълим муассасалари ўртасида энг яхши экологик таълим-тарбияни йўлга қўйган 10-таълим муассасасининг фаолияти юқори баҳоланди. Ниёзбош иқтисодиёт касб-ҳўнара коллежи кўргазмалар ташкил этишда пешқадамлик қилди.

Ғолиб ва совриндорларга тегишли таъкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.



Вилоятимиз ҳудудида яшайдиган ноёб жониворлар



АНЖИРНИНГ ХОСИЯТИ

Анжир эрамиздан бир неча аср илгари ҳам маълум бўлиб, ер юзининг кўпгина жойларида, жумладан, Урта Ер денгизи атрофларида, Туркия, Греция, Италия, Марокко, АКШ (Калифорния штати) мамлакатларида кенг тарқалган.

Ҳозир Ўзбекистонда унинг 42 нави мавжуддир. Улардан Крим-6, Крим-41, Ўзбек сарик, Кадота, Денов сарик, Кавказ қора, Ўзбек қора навлари кенг тарқалган.

«Анжир жаннат мевасидир, уни истеъмол қилган киши доимо соғлом, руҳан тетик, ақлан баркамол бўлади» дейишади. Ҳақиқатдан ҳам анжир ўзига хос хусусиятларга эга. Мевасининг таркибида қанд, органик кислоталар С, В₁, В₂, витаминлари, пировитаминлар, оксил, пектин ва минерал тузлар мавжуд.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб конунари» асарида табобат оламида анжирдан доривор сифатида фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайди.

Шу ўринда анжирнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида баъзи тавсияларни маълум қилмоқчимиз. Анжир балғамни кўчиринида самарали воситалардан биридир. Ибн Сино тавсиясига биноан, унинг меваси сут билан қайнатиб ичилса, балғам кўчириб, йўталиш қолдириди. Мевасининг қокисидан тайёрланган дамбама сурункали йўталда фойда беради.

Инсон организмда захарлини хавфни келиб чиққанда, анжир қокисидан дамбама тайёрлаб, кунига 4 маҳал 1-2 стакандан ичилади. Бу кайнатма ичак касалликларида ҳам яхши самара беради.

Агар кишида милк хасталиги бўлса, тиш эти шишиб тез-тез қонайдиган бўлиб қолади. Бу ҳолат кўпинча организмда С витаминининг етишмаслигидан келиб чиқади. Бунда ҳам табиий даволаш усулларидан фойдаланиш мақсада мувофиқдир. Бунинг учун анжир барглари майда қилиб тўғралади ва сувга солиб паст оловда 15-20 дақиқа қайнатилди.

Тайёр бўлган дамбамага оғиз чайқаб турилади. Киши танасида ва юзидаги сўғал ва темирткиларни даволашда ҳам анжир жуда яхши самара беради. Анжир баргининг банди узиб олинса, у ердан анжир «сути» оқа бошлайди. Ушбу моддани сўғал ва темирткилар устига суртиб, 40-45 дақиқа қуруқ сақлаш керак. Бу муолажа кунига 3-4 марта такрорлаб турилса, сўғал ва темирткилардан асар ҳам қолмайди.

Анжир шарбати эмизикли аёллар сутини қўпайтиришга ёрдам беришини Абу Али ибн Сино аниқлаган ва бу усулни қўлашни тавсия қилган. Соч қуриши, тўкилиши ва барвақт оқаришига қарши ҳам анжирдан фойдаланиш мумкин. Буюк табиб анжир баргининг қайнатмаси билан соч ювиш фойдали эканлигини таъкидлайди.

Тутқоқ касалига учраган беморларга анжир баргининг ачиқ дамбамага ювиниш тавсия қилинади. Бу тадбир бир кунда 2-3 марта такрорланади. Анжир жигар, талоқ ва ўпка хасталиқларида қўчи таъсир кўрсатувчи шифобахш неъматдир. Бу касалликлар билан оғриган бемор анжир қокисидан тайёрланган дамбамадан кунига 3 маҳал 1-2 стакандан истеъмол қилиши керак.

Ҳозир кўпчилик ўз саломатлигини тиклаш учун турли-туман чет эл ва ўзимизда тайёрланаётган дорилар билан бир қаторда ота-боболаримиз минглаб йиллар мобайнида қўллаб келган шифобахш гиёҳ ва ўсимликлардан ҳам кенг фойдаланишмоқда. Сунъий дорилардан кўра табиий неъматларда қўлашнинг афзаллиги ҳозирги кунда ўз исботини топган. Зеро, доривор гиёҳ ва ўсимликлар инсон саломатлигини тиклашда самарали таъсир кўрсатувчи, энг ишончли ва зарарсиз воситалардир.

Азим ОКЎТАЕВ,
қўмита ходими, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди.

СИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАНГИЗ БЎЛСИН

Халқимизда «Тоза ҳаво – танга даво» деган нақл бор. Ҳақиқатдан ҳам ҳузурбахш тоза ҳаводан баҳри дилнингиз яйрайди. Шу сабабдан ҳар йили республикамиз миқёсида «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказиш анъанаса айланган.

Бу тадбир республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган қўшма лойиҳа асосида вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, «Ўзбекнефтегаз» нозорат инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилади. Иккинчи босқинчи уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитасида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитасининг атмосфера хавосини муҳофазаси қилиш бошқармаси, республика Аналитик назоратга иктисослашган давлат инспекцияси, вилоят Ички ишлар бошқармаси экология бўлими вакиллари иштирок этишди.

Семинарда газ асбобларини ишлатиш усуллари ҳақида батафсил тушунарлар берилди, барча минтақа ва туман табиати муҳофазаси қилиш кўмиталари давлат назирлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоблар олиш-

ди. Ҳозирда вилоят ҳудудида 10 августдан 10 сентябргача ўтказилаётган ушбу «Тоза ҳаво» тадбирининг иккинчи босқинчи юқори савияда ташкил этишга йўналтирилган қизгин тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. Бунда асосий эътибор «Тошкент-Олмалик», «Тошкент-Бекобод», «Тошкент-Чиноз», «Тошкент-Ғазалкент» йўлларида қаратилган. Бундан ташқари корхоналарда автотранспорт воситаларини техник қўриқдан ўтказиш чоғида улар чиқараётган газлардаги зарарли моддалар ва тутун миқдори тежирилиб, экологик нозос автотранспорт воситаларини жойида соғлом ва таъмирлаш ташкил этилади.

Вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси автотранспорт корхоналарининг муҳандис-техник ходимлари ва хайдовчиларини, барча автохаваскорларини ўтказилаётган тадбирда фаол иштирок этишга ва атмосфера хавосининг муҳофазаси қилишга ўз ҳиссаларини қўлишига чорлайди.

Адхам ҚУРБОНОВ,
атмосфера хавосини муҳофазаси қилиш махсус нозирлиги давлат нозир.



Хайрли ишга қўл урилди

Биз қузатув олиб борган боғимиз Янгийул тумани «Тинчлик» фермерлар уюмаси ҳудудида жойлашган. Бу ерга 1990 йили турли мевали дарахтлар экидик. Улар 3-4 йилда ҳосилга кириб, мевалари гарк пишиди. Қизилчак, оқчак, қозидорат олмалари, обиновоёт ўриги, нонжойда ҳамда шафтолининг эртаки, ўртаки, кечки, туқли, туксиз, қизил, тарам-тарам каби навларини ҳам етиштиришга муваффақ бўлинди. Айниқса, олманиннг сўнгги йилларда юзага келган бешолдуз, голдин, жоноки каби навлари кўзни қамаштирди.

Бундан ташқари, ўрикнинг ҳурмойи, обиновоёт, қантаки, қўқусултоннинг гулдори номли ноёб турли, тилосининг эртаки, бўқяорак, ўртаки, сарик хиллари, кечкин бир неча навлари, бекан ва ёнқоқлар боғимизга кўрк бағишлаб турибди.

ЁҒАТЛИНГ ЁМҒИР
ХАВОЛИ БЎЛСА...

1995-96-йилларга келиб ҳолат бети кутмаган тарзда ўзгариб кетди. Баҳорги ёмғирлар захарли, ҳаттоки, таркиби кислотали ҳолда ёға

бошлади. Бундай ёмғирлардан кейин боғимиздаги ўрикларнинг барглари тешилиб, гилос, олма, қўқусултон, кочининг гўра мевалари баҳордаёқ ерга тўкилаётган бўлди. Айниқса, 1998 ва 2003 йиллари «захарли» ёмғир жуда кўп меваларни нобуд қилди. Бу ҳолни баъзилар эрта баҳорги совуқ изгириндан, деб ўйлашди. Аслида ундай эмас. Чўки 1963 йили эрта баҳорда қаттиқ совуқ бўлиб, қор ёққанини кўпчи-лигимиз биламиз. Ушанда эрта билан турли, шафтолининг ҳамма гуллари ва шохлари қаттиқ муз билан қопланганини кўларим билан ушлаб кўриб, роса ачingan-дим.

Аммо, ҳайратланарли ҳодиса юз берди, ўша йили меваларни совуқ ўрмади, мен қузатувга олган шафтоли шохлари эгилиб, жуда кўп ҳосил берди. Бундан қўринадик, кейинги йилларда ёмғир ва ҳавонинг захарли тус олиши табиат ҳодисалари – совуқ ва изгиринлардан кўра анча зиёвчи экан. Шундай қилиб, бундай ёмғирлар таъсирида беҳи меваси кен қузача ҳам ранги товланмай, қўқш, рангсиз бўлиб қолаверди. Октябрда бориб бироз сарга-

БАЛИҚЛАР КУШАНДАСИ КИМ?

Шу савол билан аҳоли вакиллари кўп бора туман табиати муҳофазаси қилиш кўмитасига мурожаат қилишади. Ҳақиқатдан ҳам дарё ва кўлларда балиқлар камайиб кетганлигини пайқаш қийин эмас.

Гап шундаки, ҳозир айрим кимсалар мўмай-гина даромад топиш йўлида электр тармоғи билан балиқларга кирон келтирмоқда. Бу ҳам етмагандай, ҳар хил кимёвий воситалар (хлор) ёки портлатгич моддалар ёрдамида балиқларнинг нафақат ўзини, балки уруғини ҳам йўқотиб юборишмоқда.

Яхши маълумки, ўз мавсумида балиқлар дарёларда увиқдириқ ташлаб, насл қолдиришга интилади. Бу вақтда уларни тутуш қатъиян

ман этилади. Лекин шунга қарамай, айрим-айрим табиатга мисли қўрилмаган даражада зарар келтирмоқдалар. Жумладан, Тошкент туманида яшовчи Турсун Муталов, Абдумутал Норкулов, Қўйичирчиқ тумани Дўстобод шаҳрида яшовчи Дмитрий Астанович ва Баҳром Иброҳимов ҳам шу тоифа кишилар сирасига кириди. Улар электр токи ёрдамида балиқ овлаётган вақтда қўлга олинди. Ҳозир улар қонун олдида жавоб беришмоқда.



Табиат муҳофазаси учун барчамиз масъулмиз. Шу сабабдан ҳар бир киши ҳеч бўлмаса бир тул дарахт, битта хайвон ёки бир дон балиқни қутқариб қолса, бу хайр-ли ишга катта ҳисса қўшган бўлади.

Саид ИДРИСҲЎЖАЕВ,
Оққўрғон туман табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси раиси.

Нўқтаи назар

Сўнгги вақтларда ер қуррасининг у ёки бу томонида турли табиий офатлар юз бераётгани ёҳуд қандайдир сабаблар билан экология, атроф-муҳит мувоза-натининг бузилаётгани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали бот-бот эшитиб туришмиш. Улар орасида мамлакатимиз экологиясига ҳам таъсир кўрсатувчи омиллар мавжудлигини назардан қочириб бўлмайди. Мутахассислар хусусан, Тошкентдаги алюминий заводнинг Саросиё ёрларини ифлослантиратгани, Орол денгизи сувининг кескин камайи-

ши оқибатида ҳудуддаги даштлардан тузли чанг-тўзонларнинг кўтарилаётгани ҳамда Чирчиқ, Олма-лик, Охангарон, Ангрен каби шаҳарлардаги саноат корхоналарининг чиқиндилари ҳаво ва сувга салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлашмоқда. Айтиш мумкин, санаб ўтилган бу ноҳушлиқлар кенг атроф-оммага ҳам маълум. Бизнинг 15-16 йил давомида ўз боғимизда олиб борган қузатувларимиз Тошкент шаҳри ва вилоятининг экологик ҳолати бироз кескин-лашиб бораётганини кўрсатди.

ЕЧИМСИЗ МУАММО БЎЛМАЙДИ

ийб, пишиди. Аммо, ичи мо-горилган, уруғ жойлашадиган қисми ҳам соғлом эмас эди. Бу ҳолни бозорларга олиб чиқилган энг сара беҳиларда ҳам қузатдик.

Ўрик меваларининг тупида қолганлари ҳам кислотали ёмғир таъсирида чўтир ҳолга келиб, сифатсиз бўлиди. Гилослардаги хол-хол доз 7-8 йиллардан бери қузатилапти. Шафтоли дарахти эса умуман мева солмай қўйди. Унинг қатла, майда қўчталарининг 70-80 фоизи қуриб кетди. Қолганлари ҳам ҳосилга кирай демайди.

Олма дарахтларига ҳам навиға қараб, турли даражада пўтур ета бошлади. Айниқса, йирик ва лаззали бўладиган бешолдуз навли олманин мевалари аввалига майда ва жуда бўришқоқ бўла бошлади. Кейин эса дарахт туллари қуриб кетди. Тошкент шаҳри ва вилоятининг бозор расталаридаги сархил мевалар асосан ташқаридан келтирилаётганлиги ҳам шундан.

Яна бир ачинарли ҳолат шундаки, нок мевалари дарахтда турган ҳолида ириб, тўкиладиган бўлди. Июль ойида узилиб, димлаб юм-шатиладиган нок кейинги йилларда димлашга ҳам ярамай, тезда ириб кетаяпти. Бу ҳол илгарики кўп миқдорда селитра бағилан қовун, тарвуз, сабзи, картошкаларнинг узоқ сақланмай, ириб кетишида қузатилар эди.

Баҳорги ёмғирлар жўхори экинларини ҳам четлаб ўтмади. Бу экинлар ердан сарғайган ҳолда қўқариб чиқаётганлиги қузатилмоқда (2004-2007 йилларда). Ёмғирлар тўтагач, яшил ранг тортади. Бу ҳолни меъёридан ортиқча сувнинг оқибати деб ба-ҳоланмоқда. Аммо, авваллари мусаффо ёмғирлар ҳар қанча ёғса ҳамки, дала-дашт-ларнинг қўм-қўқ қилиб яшна-тар эди.

КАСАЛЛИК САБАБЧИСИ ИНСОННИ Ё ТАБИАТ?

надиган бўлиб қолади. Шу сабабдан вилоятда юзага келган экологик шароитда мевали дарахтларнинг касал-ланишига қарши курашишда турли дориларни қўллашдан аввал ёмғир ва ҳаво орқали содир бўлаётган захарла-нишдан сақланишга эътибор қаратиш зарур. Шу ўринда биргина мисол. Илгарики олманин «Голден» нави бошқаларига қараганда турли касалликларга чидамли бўлиб, доимо меваси текис, бир хил ва бутун бўлар эди. Экологик захарланиш нати-жасида кейинги йилларда унинг меваси касалланиб, қўртлайдиган бўлди, боз усти-га буришиб, майдалашиб кетди.

Айримлар юқоридаги му-аммоли вазиятларга автомо-биллардан чиқаётган зарарли газ ва тутунлар ҳам са-бабчи эмасмикин, дейиш-лари мумкин. Бу савол бир томондан ўринли. Чўнки, пойтахт ва Тошкент вило-ياتида автомобиль қатнови-жуда қўқ. Лекин, кўп мар-та қузатилган ҳаётий ҳоди-саларнинг натижасида ёғи-нарчилик таркибидagi захар-ли моддалар асосий роль ўйнаётганлиги аниқланди. Бу

дим. Шунда даврадагилар-дан бири «Галингиз тўғри, бир ҳамкасбимнинг келини ёмғир сувига бошини ювиб оғир касалланибди, доктор қақиршибди. Келин ёмғир сувига бош ювганини, бун-дан аввал соппа-соғ эканли-гини айтибди. Челақда қол-ган ёмғир сувини текшириш-ганда, захарли эканлиги аниқланди».

Иккинчи мисол. 2003 йилнинг ёз ойлари эди. Қўчада ёш ва нозикки-на бир қиз иккита катта сум-кани зўр-базўр кўтариб ке-лаётган эди. Мен унга «Қизим, қаерга кетаяпсиз? Келинг, ёрдамлашиб юбо-рай» дедим. Шунда у: «Та-лабаман, Қорақалпоғистон-данман», деди. Кейин мен унга: «Сиз томонларда шаф-толилар яхши ҳосил бера-дими, боғлардаги бошқа ме-валарнинг ҳаволи қандай?», — деб савол бердим. У эса: «Шафтолилар ҳам, бошқалар-и ҳам яхши ҳосил бера-пти, менга улардан тез-тез юбориб туришди», дея жа-воб берди. Бу сўхбатдан сўн-г мевали дарахтларнинг эмин-эркин ўсиши учун Оролбуви-шароити Тошкент вилояти-дан кўра яхши эканда, деб

ўйладим...

Учинчи мисол. Экология соҳасидаги му-тахассислар билан фикр ал-машин жараёнида маълум бўлдики, улар пойтахт вило-ياتидаги аҳолга автомобиль гази асосий сабаб, деб ҳисоблашар экан. Шундан сўн-г биз ҳам автомобиль гази Тошкент атрофида салбий таъсир кўрсатса, тоғ томон-лар тоза бўлса керак, деган фикрда эдик. Лекин бир кўни қўшнимиз шундай деб қолди: «Ака, деҳқонларга жабр бўлди. Паркентдан кел-тирилаётган «Розмарин» ол-малари жуда майдалашиб кетди, сотишга арзаймади. Аммо, деҳқон бечора нима қилсин? Майда бўлса ҳам олиб келишяпти. Нолмож!»

Табики, бу гап автомо-бил гази ҳақидаги фикрим-ни ўзгартириб юборди. Чўки, Паркент тоғли ҳудуд. У ерларда автомобиль гази илмий тадиқотлар тили би-лан айтганда йилиб, чўкиб қолмайди.

ХУЛОСА ЎРНИДА...

Шаҳар ва туманлардаги катта-кичик саноат корхона-ларини экологик соғлиқ нўқтаи назаридан ҳолисона қайта текшириш лозим. Дарахтларда қузатилаётган фи-зиологик нуқсонларга қан-дай моддалар сабаб бўлаёт-ганлигини экологик майдон-лар ва махсус асбоблар во-ситасида аниқлаш, шунинг-дек, турли ҳудудларда эко-логик боғлар ташкил қилиб, уларнинг эмин-эркин ўсиши ва сифатли ҳосил бериши-ни таъминлаш асосий вази-фалардан биридир. Бундай изланиш ва тахрибалар би-лангина биз вилоятимиз боғларининг аввалги дову-руги ва тароватини қайтари-шимиз мумкин.

Иноят ФАЙЗИЕВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги давлат муқофоти соҳибни, техника фанлари номзоди.

МАҚСАД – ТАБИАТГА МЕҲР ЎЙЎТИШ

Мактабимизда ўқувчи-ларни табиятга меҳрли қилиб тарбиялашга катта эътибор қарати-лади. Айниқса, ўқувчи-ларимизда чор-атрофи-ни кўламазорлашти-ришга болалиқданоқ кўника пайдо қила-миз.

Мактаб атрофига арча, терак, мевали дарахтлар, гул қўчатлари ўтказилади, табият муҳофазаси бўйи-ча кечалар, беллашувлар мусобақалар ташкил эти-лади.

Яқинда мактабимизда «Охангарон шаҳар эколог-ияси ва инсон саломат-лиги» мавзусида илмий-амалий конференция ўтқа-зилди. Бу ишларда бизга Охангарон минтақавий та-биати муҳофазаси қилиш кўмитаси ходимлари ёрдамлашмоқда. Улар ўқувчиларни турли совга-лар, экологияга оид кит-тоблар, кўргазмалар мате-риаллар, хариталар билан таъминлашяпти.

П. МЕНИҚУЛОВА,
Охангарон шаҳридаги 1-мактабнинг биология фани ўқитувчиси.

Саҳифани вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Хўршида НАЗАРОВА тайёрлашди.

